

## ЧЎЛПОННИНГ “КИЛЕЎПАТРА” ҲИКОЯСИДА МУМТОЗ АДАБИЁТ АНЪАНАЛАРИ

Тозагул МАТЁҚУБОВА

*филология фанлари номзоди, доцент  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек  
тили ва адабиёти университети  
[tozagul\\_matyakubova@mail.ru](mailto:tozagul_matyakubova@mail.ru)*

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг миллий-эстетик қадриятлар ва маънавий меросимизга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Чунки, қадрият ва тарихий мерос миллат маънавиятини юксалтирувчи муҳим мезон ҳисобланади. Халқимизнинг фалсафий-эстетик тафаккур тараққиётини белгилаган мутафаккирларнинг қарашлари ва таълимотлари ҳам анашу мезоннинг таркибий қисмидир. Республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек: “...ҳар бир суверен давлат ўзининг бетакрор тарихи ва маданиятига эгадир. Бу тарих ва маданиятнинг ҳақиқий ижодкори, яратувчиси эса, ҳақли равишда шу мамлакат халқи ҳисобланади” (1, 1). Дарҳақиқат, Фитрат, Бехбудий, Мунаввар Қори, Авлоний, Қодирий, Боту, Элбек, Усмон Носирлар қаторида Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг ҳам ўзбек халқининг бетакрор тарихи ва маданиятида муносиб ўрини бор. У кўпгина сафдошлари қатори бугунги кунларга етиб келишимизда ўзининг нафақат фидокорона меҳнатини, балки жонини ҳам аямаган миллатсевар инсондир. Чўлпон нафақат ўзининг ёзиб қолдирган бебаҳо шеър, ҳикоя, драма, роман, таржима асарлари ва илмий мақолалари билан балки ўзининг эрк ва озодлик йўлидаги саъй-ҳаракатлари билан ҳам бугунги кун кишисига ўрнатилган бўла олади.

Чўлпон XX асрнинг 20-йилларида “Ойдин кечаларда”, “Қор қўйнида лола”, “Новвой қиз” каби бир қатор ҳикоялар, шунингдек, “Йўл эсдалиги” сафарномасини ёзди. Улар орасида “Клеопатра” ҳикояси алоҳида ажралиб туради. Маълумотларга кўра ушбу ҳикоя 1921 йилда ёзилиб, 1923 йилда эълон қилинган. Ҳикоя Шарқ адабиётига хос романтик туйғу-кечинмаларга, рамзий ифодаларга бойлиги билан алоҳида эътиборга моликдир. Чўлпон насри поэтикасини тадқиқ этган адабиётшунос Д. Қуронов таъкидлаганидек: “... Чўлпон шеърӣ ва насрий ижодида мумтоз адабиётимизга хос тасвир ҳамда ифода воситаларига янгича жило беришга интилади. Демак, адиб насрий асарлари поэтикасининг шу жиҳатдан тадқиқ қилиниши миллий насрчилигимизнинг тараққиёт йўллари ва омиллари ҳақидаги тасавурларимизни бойитиши мумкин” (7). Бу фикрлар бевосита “Килеўпатра” ҳикоясига тааллуқлидир.

Ҳикоя илк сатрлариданоқ:

– Эй, Мисрнинг тангриси, Нилнинг маликаси Клеопатра! (4, 297) – деган мурожаат билан бошланади. Ёзувчи бу ҳуснда тенгсиз малакни Нил дарёси

бўйларида сайр қилиб юрган ҳолатда кўз ўнгига келтиради, уни нилуфар чечагига қиёслайди.

Чўлпон таърифлаётган Миср Клеопатраси ҳокимиятни қўлга киритиш йўлида ўз ҳусн ва латофатини ишга солган. У Кай Юлий Цезар, лашкарбоши Антонийларнинг маъшуқаси бўлган эди. Бу мағрур аёлнинг фожиали тақдири, сиёсат бобидаги найранглари, қалб тугёнлари В. Шекспир, Б. Шоу, А. Пушкин, Т. Готьега, рассомлардан Д. Тьеполо, П. Рубенслар эътиборини ҳам ўзига жалб этган эди.

Чўлпон ҳикояда ўзга бир хилқатни тилга олаётганини илғаш мумкин. Зотан, адиб талқинида гўзалликда тенгсиз Нил маликасининг вафо ва садоқати Мусофир йигитга бир қадар эриш туюлади. Чунки мусофирнинг фикрича, қалбда мавж урган тизгинсиз алам билан муҳаббат боғидан чечаклар узмоқ асл санамлар иши эмас. Ташқи майинлик бағрига жо бўлган ўша мутақаббирлик, ёвузлик ва мустабидликни дафъатан англай олмай, ундан меҳру вафо кутиб завол топган ошиқларнинг юзлари қайғу-ҳасратдан қанчалик сўлган ва сарғайган экан. Асл ниятини пинҳон тутган бешафқат малика ўз гўзаллигига маҳлиё бўлган ошиқларинигина эмас, балки ўз-ўзини-да алдаган, ҳаловатини йўқотган эди.

Фиръавн қурдирган ҳашаматли саройлар, хурмозор боғлар, беҳисоб пирамидалар, маъбудалар нақадар гўзал. Аммо ўша нафислиг-у латифлик ҳам зоҳирдагина намоён. Маҳобатли ҳайкалнинг фақат бошигина одам, аммо танаси шер бўлганидек, осмонўпар эҳромлар билан хароб қишлоқлар ҳам ёнма-ён. Илондек буралиб-тошиб оқаётган Нил нақадар жўшқин кўринмасин, гўзал малак Клеопатра дийдорига етмоқ илинжида оҳ чеккан қанча-қанча шахзодалар унинг тимсоҳларига ем бўлишган.

Дарҳақиқат, дунёга кўркув ва хавф солган Миср бағрида не-не сирлар яширин.

“Менинг бағримда-да севги ҳидли бир нилуфар ўсмакдадир. Уни сувлаб ўсдирган, етиштириб турғон нарса меним *нилий* кўзларимнинг ёшидир”. Бинобарин, Мусофир йигит кўз ёшларидан пайдо бўлган “севги гули”нинг туйиб бўлмас ифорлари ғоят табиий. Бу чечак ҳаётбахш, самимий ва бокиралиги билан маҳбуба кўнглига қайноқ ҳарорат, тотли осойишталик, роҳат-фароғат бағишлай олади. Шу боис, Клеопатранинг севги ўйинларидан кескин фарқланади.

Ойдин кечада хаёлан Клеопатра билан суҳбатлашган Мусофир йигит ўз бағридаги гулларни Миср маликасига тақдим этмоқ тилайди. Зеро, у чин севгидан бебаҳра дилга ҳам муҳаббат атрини олиб кирмоқ ниятидаги ошиқдир. Аммо кўнгилнинг гизли пучмоқларида асралувчи бу гулни нигоҳлари қатига хиёнат, такаббурлик яширинган Миср маликасига бермоқ мумкин эмас. Чунки бу севги чечаги жайдари гул эмас. Гоҳида аччиқ ва гоҳида умидли кўз ёшлари-ла

экилиб, кўз ёшларини кўп эмган. Шу боис, мўътабар ҳамда мангу сўлмасдир. Клеопатра билан хаёлий суҳбатга кулоқ тутайлик:

- Сенинг гулинг нега тез сўлмайдир?
- У сира сўлмас!
- Нима учун?
- Меним кўз ёшимда битиб, меним кўз ёшимда ўсгани учун.
- Кўз ёш тубда аччиқдир, бу нимага аччиғ эмас?
- Муниг-да аччиғ ҳид сочқон чоқлари бордир. Бу севги чечагидир, умидлик кўз ёшларини ҳам кўб эмгандир. Шунинг учун тотлидир.
- Менга қолдириб кетмак истамаганинг нима учун?
- Ўзимники бўлғон учун! (4, 302).

Ўз ошиқларини аёвсиз маҳв этган, ғазабнок ва хиёнаткор Миср маликаси муҳаббатга ташна, меҳрга зор. Аммо у ўз чиркин эҳтиросларининг кули. Клеопатра хузуридаги иродаси мустаҳкам йигит эса садоқат тимсоли сифатида инсонлик эркию қадр-қимматини асрай олади.

Шу боис, Клеопатра маликалик салобати, беқиёс гўзаллиги, жўшқин эҳтиросларига алданмайди. Зотан, хиёнат ва муҳаббат олов ҳамда сув каби бири иккинчисининг зидди. Англашиладики, Мусофирнинг наздида жисмоний эҳтиросларидан баланд туриб, қалб амрига кулоқ тутган кишигина севги боғидан сўлмас чечаклар узмоққа муносибдир. Нил маликаси эса, чинакам севиш ва севилишга муносиб эмас.

Бегона малакдан дили оғриган Мусофирнинг кўнгил кўзлари Амударё бўйларига тикилган. Қалби Аму соҳилларида макон тутган ўз Клеопатрасига талпинади. Миср диёрига табиий, ҳаётбахш, самимий, бокира, қайноқ ҳароратли ва роҳатбахш туйғулар улашган йигит ўз диёрига – ёрига томон ошиқади. Чунки унинг Нил бўйларидан йиққан гулдастаси Ватандаги ёрига аталган.

Кўринадики, Чўлпон учун чин ва соф севги, вафо ҳамда садоқат – икки қалб кўнгил мулки. Кўз қорачиқларида асраб-авайланадиган бу эзгу туйғу шоҳу гадога баробар. Лаҳзалик эҳтиросу ҳаваснинг қурбони бўлган кимса эса чин софлигию бокиралигини мангуга йўқотгай. Агар тахту салтанат ваҳшати Клеопатранинг бахтига тўсиқ бўлган бўлса, йигит кўпириб тошаётган Аму тошқинлари билан олишишга мажбур.

Ҳикояда Аму бўйларига етган мусофир йигит изидан учиб келган каптар унга Клеопатранинг мактубини беради. Зеро, халқимиз орасида қадим-қадимдан ўргатилган қушларнинг узоқ манзилларга мактуб олиб бориши билан боғлиқ қарашлар мавжуд. Бу қарашлар таъсири бевосита халқ дostonларида ўз ифодасини топган. Мумтоз адабиётимиз намуналарида эса ишқ ва у билан боғлиқ кечинмалар ифодасида қуш орқали мактуб жўнатиш тасвирига мурожаат қилинади. Чўлпон ҳам худди шу тасвирдан бадий восита сифатида

фойдаланади. Ҳикояда адиб мактуб орқали қаҳрамоннинг руҳий оламини, кечинмаларини, ҳаётга ва инсонга муносабатини чуқурроқ ёритади. Зеро, бадиий асарда келтириладиган мактуб қаҳрамон руҳий оламини англашда муҳим аҳамиятга эгадир. Ундан аён бўладики, ўз-ўзини тафтиш қилаётган гўзалликда тенгсиз бўлган малика ҳам “чин ва соф бир севги учратма”ганидан афсусланади. Узоқ умрли, вафо хидли нилуфарни йигитдан бошқада кўрмаганини айтади.

Мактубда келтирилган Клеопатранинг қуйидаги фикрлари ғоятда муҳимдир: “Оҳ, унинг (нилуфар гулининг – таъкид бизники. Т.М.) мен ухлаёлмай ётқон чоғимда сочқон хидлари қандай эди? Сира англаёлмайман. Сен “севги хиди” дединг, шекилли. Оҳ, агар севгининг бир чечагидан чиққан хиди шундай бўлса, унинг ўзи қандай нарсадир?”. Ушбу ўринда биз севгининг нақадар улуғлиги, уни анлаб етиш учун инсон ҳар томонлама етук бўлиши лозимлигига урғу берилмоқда. Ёзувчи Клеопатранинг армонини, ўзликни англаш йўлидаги ҳаракатларини, афсус-надоматларини ўз тилидан келтириш орқали таъсирчанликни оширади.

Назаримизда, Чўлпон мазкур ҳикоя финалида йўл айрилишида қолган Мусофирнинг “етим қолган гули” ҳақида сўзларкан, образ ассоциативлиги ва рамзий-мажозийлигини орттириш ҳисобига севгини ҳаёлот қадар мутлақлаштирган.

Айни пайтда, адиб интим туйғуларини жиловлаб, ижтимоий дардлар оғушида қолишга мажбур бўлган ўз ҳолига ишора қилаётгандек туюлади. Чўлпон рамзлар остига ботиний маъноларни жойлайди ва мазмунни нафақат замонаси, балки ўз руҳиятида кечган ўй-фикрлар билан ҳам боғлайди. Мавжуд реалликдан қониқмаган адиб борликни ҳис-хаёллари билан тўйинган гўзаллик оламида бадиий акс эттиришга майл билдиради. Бошқачароқ айтганда, моҳият эътибори билан мумтоз романтик адабиёт анъаналарига эргашади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қураимиз. “Адолат” газетаси, 2016, 16 декабр. 1 б.
2. Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Фан, 1991.
3. Туйчиева Ш. Ижодкор дунёқараши ва бадиий услуб. – Т.: Академия, 2009
4. Чўлпон. Асарлар. 3 жилдлик. 2- жилд. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994.
5. Шарафиддинов О. Чўлпон. –Тошкент: Чўлпон, 1991.
6. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Тошкент: Ёзувчи, 1994.
7. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Тошкент: Шарқ, 2004.